Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz www. adolat.uz № 12 (817) 2011 йил, 11 март, жума

ЕТАКЧИНИНГ ДАЪВАТКОР СЎЗИ

Юртбошимизнинг сўзлари билан айтганда, «бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир».

2-бет

ТАРАҚҚИЁТНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ «ҚУРОЛ»

Энергиянинг ноанъанавий манбалари аҳамиятининг ошиб бораётганини Евроҳудудга кирувчи давлатлар муқобил энерготехнологияларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни йилига 8 миллиард еврога кўпайтиришни режалаштирмоқдалар. АҚШда эса 2008 йилда янги кучланишда ишга туширилган энергетиканинг деярли 40 фоизини шамол станциялари ташкил этганини таъкидлаш мумкин.

7-бет

АЁЛИНИ УЛУҒЛАГАН ЮРТ

Ғазал мулкининг султони Навоий бобомиз оналарни улуғлаб, шундай сатрлар битганлар:
*Оналар оёғи остидадур*
*Равзаи жаннату жинон боғи.*
*Равза боғи висолин истар эсанг,*
*Бўл онанинг оёғин туфроғи.*

8-бет

# Конституцияга киритилган ўзгартишлар

## мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди



**Қонунчилик палатасида**

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

Юртбошимизнинг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Концепцияси давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва ривожлантириш соҳасида назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Бунга тўлиқ асос бор, албатта. Чунки ушбу Концепция мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган 40 дан ортиқ муҳим қонунларнинг қабул қилинишини белгилайди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётда кенг қўлланилиши шубҳасиз, ўз мазмун моҳияти билан мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, қонун лойиҳасида «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хўш, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалардан сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП қанчалик манфаатдор? Таклиф этилаётган ушбу нормалар қабул қилинса, партияга нима беради? Ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилинган қонун лойиҳаси муҳокамаларга бой бўлди. Бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари суриб келаётган «Адолат»чилар учун партия мақсад ва вазифаларини янада кенг амалга оширишда, унинг аъзолари ва хайрихоҳлари манфаатларини қўллаб-қувватлашда янада кенг имкониятлар яратади. Қолаверса, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган демократик мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонунларга киритилаётган ўзгартишларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партия томонидан таклиф этилиши мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни янада кучайтиради.

Давоми 3-бетда »



# Айнан ёшлик чоғидан

## спорт билан дўст бўлиш — мустаҳкам иродага замин

**Дил сўзи**

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

Президентимиз раислигида шу йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида алоҳида урғу билан таъкидланган «спорт билан дўст бўлиш» деган сўзлар замирида бола қалбида ёшлигидаёқ қатъиятлик, мардлик, чиниқиш, тобланиш, пировардида, мустаҳкам ирода замини яралади, дейилди. Дарвоқе, бола ҳали болакай бўлса-да, унинг ўзига хос катта дунёси, катта олами бор. Ҳар бир ота-она ўғли ё қизида спортга бўлган меҳрини болалигидаёқ уйғатолса, демакки бола спортга яна шунча катта дунё, катта олам билан кириб боради.

Кўзингиз тушганми, ҳали боғча ёшидаги болакайлар ҳам коптoк суришиб «го-ол!» — деб қийқиришади, шодланишади, боксчиларга тақлид қилиб «бокс,бокс!» дея дикирлашади, полвонлар курашини кўриб ўз тенгқурларига «кел, курашамиз, қара, кучимни кўр» деб кўйлаги енгини шимарганча билаги мускулини кўз-кўз қилади... Айни шу ҳолатлар бола қалбида ҳали гўдаклигидаёқ спортга меҳр куртаги уйғонаётгандан дарак. Ва ҳар бир ота-она айни шундай кезларда уларни рағбатлантириши, уларнинг қизиқишига қараб спорт анжомлари олиб бериши — нур устига аъло нур, албатта. Керак бўлса, истиқомат жойларига яқин спорт тўгаракларига, сузиш ҳавзаларига, болалар спорти мажмуаларига олиб бориши, шарт-шароит яратиб бериши керакки, токи, мурғак қалбида ниш урган интилиш барг чиқарсин, гул очсин, мева берсин.

Давоми 4-бетда »

# Долзарб вазифалар белгилаб олинди

**Ҳудудларда**

**Ўзбекистон "Адолат"СДП**
Тошкент вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши марказий аппарати ходимлари, партиянинг Халк депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, ҳамкор давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Пленумда Президентимизнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашининг вазифалари, вилоят Кенгашининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросидаги иштироки, вилоят Кенгашининг 2010 йил бюджет ва бюджетдан ташқари тушуми ижроси, 2011 йил бюджет маблағи тушумининг асосий кўрсаткичлари ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган депутатлик ўринларига бўлиб ўтадиган сайловларда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг иштироки каби масалалар кўриб чиқилди.

Давоми 3-бетда »





# Самарқанд трикотажи:

## кўркам, бежирим ва 90 фоизи экспортга!

**Модернизациялаш нима берди?**

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири.

Баҳор байрами арафасида Самарқанд шаҳридаги «8 март» масъулияти чекланган жамиятга қарашли тикувчилик фабрикасида кенг жамоатчилик оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бу ердаги модернизациялаш ва технологик янгилашдан сўнг рўй берган ижобий ўзгаришлар билан танишдилар.

Давоми 2-бетда »

# Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

## жамият тараққиётига хизмат қилади



**Депутат минбари**

**Қодир ЖЎРАЕВ**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси.

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда »

# Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

## жамият тараққиётига хизмат қилади

« Давоми. Боши 1-бетда

Чунончи, куни-кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни** мамлакатимизда парламентаризмни янада ривожлантириш, қонунчилик, суд ва ижроия ҳокимиятлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада оширишда янги сиёсий даврни бошлаб бериши билан диққатга сазовордир.

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари ушбу қонунни мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида мустақиллик йилларида олиб борилаётган тизимли ва босқичма-босқич ислоҳотларнинг узвий ва мантиқий давоми эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Шу ўринда мазкур қонуннинг «Адолат» СДПнинг сайловолди дастури ва ғояларига тўлиқ ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларига бағишланган 78-моддаси 15-бандини тўлдириш назарда тутилган. Амалдаги нормага асосан, Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш кирган бўлса, Конституциямизнинг 78-моддаси 15-бандига киритилган тўлдиришга асосан, юқоридагилар билан бирга Олий Мажлис палаталари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатига ҳам эга бўлмоқдалар. Бу эса «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларига тамомила мосдир. Зеро, партиямизнинг сайловолди дастурида «бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлиги» алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қолаверса, Асосий Қомусимизда ушбу норманинг жорий этилиши мамлакатимиз давлат бошқарув тизимида мутлақо янгича ёндашув бўлиб, у, бир томондан, ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтиради. Иккинчи томондан эса, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги деб аталувчи муҳим демократик тамойилнинг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, Конституциямизнинг 80-моддасига киритилаётган қўшимча, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ваколатининг киритилаётганлигини ҳам мамлакатимизда парламентаризмни янада ривожлантириш сари қўйилаётган муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан ташкил қилинган эди. 2005 йил 2 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон ҳам қабул қилинди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ҳисоб палатаси молиявий назорат бўйича мустақил институт сифатида шаклланди. Йилдан-йилга унинг мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Давлат бюджети лойиҳасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш, республика ва маҳаллий даражада давлат бюджетининг ижроси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга йиғиладиган маблағлар тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширишда Ҳисоб палатаси асосий молиявий назорат органи сифатида муҳим роль ўйнамоқда.

Бу борадаги илғор хорижий тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, ривожланган мамлакатлар Ҳисоб палаталари фаолиятини ташкил этишда «Назоратнинг асосий принциплари тўғрисида»ги 1977 йилда қабул қилинган Лима декларацияси асосий ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Мазкур декларациянинг 5 ва 6-моддаларида олий назорат органининг холислиги Конституция билан кафолатланган бўлиши зарурлиги акс эттирилган.

Жумладан, Германияда Федерал Ҳисоб палатаси президенти Бундестаг ва Бундесрат томонидан федерал Ҳукумат тавсиясига кўра яширин овоз бериш йўли билан сайланади ва вазифасидан озод этилади.

Россия Федерациясининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунининг 5-моддасига асосан, Ҳисоб палатаси раиси Россия Федерацияси Президентининг тавсиясига асосан 6 йил муддатга Давлат Думаси томонидан тайинланади.

Демак, Конституциямизнинг 80-моддасига киритилаётган юқоридаги қўшимча молиявий назорат бўйича олий органлар фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ халқаро амалиётга ҳар томонлама мос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мақомининг янада юксалишига хизмат қилади ва уни Олий суд, Бош прокуратура, Марказий банк каби давлатнинг бошқа мустақил органлари билан бир қаторга қўяди. Шу билан бирга, мазкур қўшимча Ҳисоб палатасининг асосий молиявий назорат институти сифатидаги нуфузини янада юксалтиришга қаратилган бўлиб, унинг бошқа органларга нисбатан мустақил, холис ҳамда объектив тарзда фаолият юритишини таъминлашга муҳим ҳисса қўшади.

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, демократик ислоҳотлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ва босқичма-босқич ўтказилаётганлиги, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлаштирилаётганлиги, Асосий Қомусимизга бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконини берди. Ўтган йилларда эришилган ютуқлар мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш модели тўғри танланганлиги ва бундан буён ҳам айнан шу йўлдан бориш зарурлигини яна бир карра исботлади.

Ўзининг сайловолди дастурида «демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган» «Адолат» социал-демократик партияси учун мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжат демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ишида фаолликни кучайтиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳисобланади. Уни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш эса фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, сиёсий партиялардан юқори даражадаги етукликни, Ўзбекистон Республикасининг тақдири ва келажаги учун улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб қилади.

# Етакчининг даъваткор сўзи

Келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш, дунёнинг тараққий топган давлатлари қаторидан мустаҳкам ўрин олиш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқликни сақлаш, бу фазилатларни янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш жамиятимиз ва халқимизнинг олий мақсади ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бу вазифанинг нақадар масъулиятли эканини чуқур ҳис этиши, онгшуурига сингдириши, бу жараёнда фаол иштирок этишдан фахрланиши ва қатъият, фидойилик билан ишга киришиши, ўзини ҳар жиҳатдан намоён этиши зарур бўлади.

**Концепция: устувор вазифлар**

Худоёр МАМАТОВ.

Мамлакатимизда кейинги йигирма йил ичида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларда, муҳтарам Президентимизнинг қатор асарлари, нутқ ва маърузаларида, хусусан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган йиғилишидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилишининг боиси ҳам шунда. Чунки жамият ягона мақсад йўлида бирлашиб, аниқ белгиланган, пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида ҳаракат қилсагина, муваффақиятга эришиш мумкин.

Миллий тараққиёт йўлига кирган ҳар бир жамият, табиийки, узоқ давом этадиган бу йўлда ривожланиш ва олға интилишнинг бир неча босқичларидан ўтади. Бир босқичнинг муваффақияти иккинчи босқич муваффақиятига, бир муаммонинг ҳал этилиши иккинчи муаммонинг ечимига асос бўлади. Шундай экан, ҳар босқич якунлари танқидий нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича таҳлил этилиши, ютуқкамчиликларнинг сабаблари ўрганилиши ғоят муҳим. «Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор, — деб таъкидланади Юртбошимиз таклиф этган ва бугун барчамизнинг мақсадимиз, ҳаракат дастуримизга айланган Концепцияда. Уни ўқиб-ўрганишимиз, маъно-моҳиятини англашимиз ва тараққиётимизнинг янги босқичи учун белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишимиз зарур.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йигирма йили, бу йилларнинг ҳар бир куни, ҳеч муболағасиз, тарихий аҳамиятга молик бўлди, дея баралла айта оламиз. Бугун балоғат ёшига етган янги навқирон авлод кўз ўнгида, собиқ тузумнинг жамики кирдикорлари, ғирром сиёсати асоратларини ўз бошидан кечирган кекса авлод кўз ўнгида янги озод давлат, эркин жамият барпо этилди. Конституциявий тузум ва бошқарув тубдан ўзгарди. Одамларнинг дунёқараши, онг-шуури, давлат ва жамият ҳаётига муносабати янгиланди, миллий тараққиёт жараёнидаги ўрнини ҳис этиш туйғуси ошди. Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» ғоят мураккаб шароитда давр синовидан муваффақиятли ўтди ва дунё миқёсида эътироф этилди. «Биз ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, буйруқбозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғли тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда, — деб таъкидлади Президент Ислом Каримов мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда. — Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади. Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди».

Дарҳақиқат, шундай. Буни кўпдан-кўп рақамларда ҳам кўриш мумкин. Жаҳон давлатлари тарихига назар ташласак, кўпгина мамлакатлар мустақиллик йўлига ўтгач, узоқ йиллар давомида асосан уни сақлаб қолиш, йўқотмаслик учун курашадилар, тараққиётнинг бош йўлини аниқлаб олишга интиладилар. Бу жараён бизда ҳам осон кечмади, чунки собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисодиётни жонлантириш, унга янгича ҳаёт бахш этиш, қайта изга солиш осон вазифа эмасди. Бунинг устига ҳар бир қадамимизда ички ва ташқи тазйиқлар таъсирини, ислоҳотлар йўлига қўйилаётган сунъий тўсиқларни сезиб турдик. Аммо ютуғимиз шунда бўлдики, истиқлолимизнинг дастлабки йилидаёқ яқин келгуси ва узоқ истиқболга мўлжалланган мақсад-муддаоимиз аниқ бўлди. Президентимиз раҳбарлигида ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга таяниб, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, салоҳияти, узоқ йиллик тарихий тажрибаси асосида борар манзилимизни белгилаб олдик. Бу вазифа янги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топди, яъни мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш, янги авлодни тарбиялаш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, дунё мамлакатлари билан миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилишни бирламчи вазифа деб билдик. Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти миллий истиқлол ғоясининг асоси қилиб белгиланди. Тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл берилди, одамларнинг бу йўналишдаги ташаббус ва интилишлари ҳар жиҳатдан рағбатлантирилди. Биргина «Ташаббус» танловининг ўзи неча юз минглаб янги ишчи ўринларини яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Рақамлар тили билан айтганда, кейинги йигирма йил ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этди. Давлатнинг халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирадиган харажатлари миқдори 5 баравар кўпайди. Ўзбекистонда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди. Бугун дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида молиявий инқирознинг салбий оқибатлари аниқ-равшан кўзга ташланиб турган, ташқи қарзлар ошиб бораётган бир пайтда, бизда иқтисодий ривожланиш суръатлари барқарор ҳолатда эканлиги ҳам катта ютуғимиз ҳисобланади.

Бироқ халқаро давлатчилик тажрибаси шундан далолат ҳам берадики, ҳар қандай ривожланган бақувват мамлакат ҳам кечаги ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслиги, ўсиш, олға бориш суръатларини сусайтирмаслиги, миллий тараққиётнинг янги уфқларини белгилаб бориши, дунёда кечаётган мураккаб жараёнларнинг маъно-моҳиятини кузатган ҳолда иш кўриши лозим бўлади. Юртбошимизнинг сўзлари билан айтганда, «бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, аввалambор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир». Шундай экан, Концепцияда илгари сурилган барча йўналишларни, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ва Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида белгиланган вазифаларни аввало, ўзимиз аниқ-равшан тушуниб олишимиз, партия аъзолари ўртасида тарғиб қилишимиз, ўтказилаётган ҳар бир тадбирда одамларнинг фикр-мулоҳазалари, жўяли таклиф ва ташаббусларига эътибор билан қараб, бундан кейинги иш фаолиятимизни шу асосда қайта кўриб чиқишимиз зарур бўлади. Партиямизнинг вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари етакчилари иш режалари ҳам мазкур ҳужжатлар асосида янада кучайтирилиши, одамларнинг ўй-кечинмаларига яқин бўлиши, хусусан, тарғибот-ташвиқот ишларини кўпроқ меҳнат жамоаларининг ўзида, меҳнаткашлар, турли касб эгалари билан бевосита, очиқ мулоқот, баҳс-мунозара тарзида олиб бориш, ёшларни тинглаш ва уларга янада кўпроқ ишонч билдириш тавсия этилади. Партия етакчиси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётига доир маълумотлар, жаҳонда юз бераётган мураккаб жараёнларга тааллуқли ахборотлар, қиёсий таҳлиллар, мутахассисларнинг хулоса ва тавсиялари билан яхши қуролланган бўлса, унинг даъваткор сўзи, албатта, яхши самара беради.

# Самарқанд трикотажи:

## кўркам, бежирим ва 90 фоизи экспортга!

« Давоми. Боши 1-бетда

Гап шундаки, мазкур корхонада салкам чорак аср муқаддам ўрнатилган тикув машиналари ва бошқа технологик ускуналар эскириб қолганлиги иш унумдорлиги билан бир қаторда маҳсулот сифатига ҳам ўз таъсирини сездириб қўйганди. Шу боис, истеъмолчи учун эмас, омбор учун ишлаб, ходимларга ўз вақтида маош тўлолмай қарзга ботган корхонани модернизациялаш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш долзарб вазифага айланди.

Президентимизнинг «Инвестиция дастури тўғрисида»ги (2010 йил) қарори бошқа саноат корхоналари қатори фабрика учун айни шу йўналишда янги имконият яратди.

— Мазкур қарорга мувофиқ 2010-2012 йилларда корхонани замонавий технологиялар асосида модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича уч босқичли дастур ишлаб чиқилди, — деди тадбир иштирокчиларига «8-март» МЧЖ раҳбари Исмат Аманов. — Хусусан, ўтган йили корхонага 2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиб, Япониянинг «JUKI» компаниясидан энг сўнгги русумдаги тикиш-бичиш ускуналари сотиб олинди. Натижада, 150 та янги иш ўринлари яратилди. Жорий йил мобайнида модернизациялаш ишлари изчил давом эттирилиб, яна 250 нафар кишини ишга қабул қилиш мўлжалланмоқда.



Цех бошлиғи Мавлуда Ражабованинг таъкидлашича, ҳозир бу ерда 10 хилга яқин болалар трикотаж либослари тайёрланмоқда. Ғоят кўркам ва бежирим бу кийим-кечакларни эндиликда бемалол экспортга чиқариш мумкин. Жамоа йилига 3 миллион дона трикотаж кийимлари тайёрлаш ва унинг 90 фоизини ташқи бозорда сотишни режалаштиргани — бу борада дадил қадамлар қўйилаётганидан далолат бермоқда.

— Корхонамизда шароит бутунлай яхши томонга ўзгаргани барчамизга куч-қувват бағишламоқда, — дейди моҳир тикувчи Гулнора Ражабова. — Қаранг, цехларимиз шинам, озода, шовқин йўқ. Ишга корхонамиз автобусида келиб-кетамиз. Тушлигимиз ҳам бепул...

Фабрикада бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари билан бирга, мутахассис кадрлар масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Шаҳардаги Енгил саноат ва Миллий ҳунармандчилик коллежлари ўқувчилари шартномага асосан амалий машғулотларни шу ерда ўтаб, ишга қабул қилинаяпти. Жумладан, бултур ҳар иккала коллежнинг 40 нафар битирувчиси ишга олинган бўлса, бу йил 50 нафар битирувчига меҳнат дафтарчаси очилиши юзасидан келишиб олинган. Бу — давлатимиз раҳбарининг шу





йил, 21 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ғоя — «корхона-коллеж» ҳамкорлиги бу ерда ўз бардавомлигини намоён этмоқда, деганидир.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг журналистларга берган маълумотига кўра, ўтган йили вилоятда тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 495,5 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилгани саноатда туб бурилиш ясамоқда. Ёки саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга ўсганининг ўзиёқ янгича изланиш ва интилишлар самарасидир.

Самарқандда модернизациялашдан сўнг яна икки йирик корхона — «Асл нафис» чинни заводи ва «Бофанда» фабрикаси иш бошлаш арафасида турибди. Демак, вилоят фаоллари, тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлар мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида саноатдаги мавжуд аҳволни яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларидан тегишли хулосалар чиқармоқда. Корхоналарда юқори иш унумдорлиги ва меҳнат сифатига эришиш учун раҳбар ҳамда мутахассислар масъулияти ҳам тобора кучаймоқда.

# Конституцияга киритилган ўзгартишлар

## мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди

« Давоми. Боши 1-бетда

Бу билан сиёсий партиялар ўзларининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ўз тарафдорлари манфаатини янада самарали ҳимоя этишда ижро ҳокимияти орқали ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

— Мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, — деди муҳокамаларда сўзга чиққан фракция аъзоси Ойша Ахунова, — жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди. Айнан шу сабаб мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган — «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» йўналиши асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига киритилди.

— Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқининг берилиши муҳим аҳамиятга эга, — деди фракция аъзоси Камола Ҳамидова. — Қонун лойиҳасида ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, Конституциянинг 98-моддасида агар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши белгиланмоқда. Буни биргина сўз билан изоҳлайдиган бўлсак, Бош вазир ўз фаолияти давомида мунтазам равишда парламентнинг назоратида бўлади. Ўз навбатида Бош вазир нафақат битта сиёсий партия, балки парламентдаги бошқа сиёсий партиялар билан ҳам маслакдош бўлишга мажбур бўлади. Бу сиёсий партиялар учун ўз аъзолари ва электорати манфаатларини, хоҳиш-иродаларини амалга оширишда айни муддаодир. Шу сабабли қонун лойиҳасини Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси депутатлари бир овоздан қўллаб-қувватлайдилар.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, охирги ўн йилликда мамлакатимиз ҳаётидаги барқарор демократик юксалишлар нафақат халқимиз, балки, халқаро жамоатчилик ва кўпчилик хорижий экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, Ўзбекистон босқичма-босқич қўлга киритиб келаётган мамлакат ҳаётидаги бу юксак марралар дунё сиёсатчиларининг айни вақтдаги муҳокама марказида турган энг асосий масалалардан биридир.

Бунга тўла асосимиз бор. Масалан, икки палатали миллий парламент ташкил этилди... Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасига олиб берилди... Давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки янада кенгайтирилди... Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, айни вақтдаги қонунчилигимиздаги бу ўзгаришлар, янгиликлар Ўзбекистоннинг тараққиёт сари жадал одимлаётганлигидан нишонадир.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2010 йилги ҳисоботи ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Дастлаб ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Бош инспектори Олимхон Рустамовнинг маърузаси тингланди.

Таъкидландики, Ҳисобот палатасининг Иш дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳукуматнинг 2010 йил 29 январдаги 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Ҳисоботни тинглаш асносида фракция аъзолари партиямиз дастурий ғояларида илгари сурилган асосий йўналишларга асосий эътибор қаратишди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига доир бажарилган ишларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тавсиясига кўра, ҳисобот йилида мактаб ва коллежлар қуриш, реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш жойларини яратиш, хизмат ва сервисни ривожлантириш соҳаларига ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланиши текширилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иш дастури асосида 22 та йўналишда 88 та обеъктда назорат тадбирини амалга оширди. Шундан, 2010 йил якуни бўйича 16 та йўналишдаги 64 та обеъктда назорат тадбири тугалланди ва 6 та йўналишдаги 24 та обеъктда назорат тадбири 2011 йилда давом эттирилмоқда.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ҳам назорат тадбири ўтказилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, аниқланган қонунбузарликлар ҳисобидан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига қарийб 50 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ундирилиши таъминланди.

Назорат тадбирлари натижасига кўра, йўл қўйилган хато ва камчиликлари учун айрим мансабдор шахслар ўз лавозимидан озод этилди, айримларига нисбатан ҳайфсан эълон қилинган бўлса, баъзи ходимларга нисбатан молиявий жавобгарлик чоралари кўрилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жами 199 та мансабдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, терговсуриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мажлисда қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблардан сўнг фракция аъзолари Ҳисоб палатасининг иш самарадорлиги ошганлигини алоҳида эътироф этган ҳолда 2010 йилги ҳисоботини маъқуллашди.

Кўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.



# Долзарб вазифалар белгилаб олинди

« Давоми. Боши 1-бетда

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий-ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари партия ташкилотларининг бугунги кунда ўз фаолиятига бўлган ёндашувларини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда, — деди вилоят партия Кенгаши раиси Комилжон Шодиметов. — Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашидан ҳам мамлакатимиз келажаги ва тақдири учун берилган ваколатлар доирасида талабчанликни янада кучайтириш талаб этилади. Шу кунларда Концепцияда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, партиямиз Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма мажлисида қабул қилинган қарор ижроси йўлида партиянинг вилоятдаги барча тузилмаларида, депутатлик гуруҳларида маърузани кенг тарғиб қилиш бўйича ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар изчил давом этмоқда. Яқинда вилоятда ўтказилган партиянинг «Ёш адолатчилар» ва «Хотин-қизлар» қанотлари конференцияларида ҳам бу борада аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Пленумда кейинги йилларда партия вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлардаги фаол иштироки орқали партия электоратнинг ишончига сазовор бўлишаётганлиги эътироф этилган ҳолда айрим туман, шаҳарларда партия аъзолари сонининг ўсиш даражаси нисбатан пастлиги, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ туман партия Кенгашлари фаолларининг ОАВда чиқишлари камлиги партия фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ўзининг асосий эътиборини партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ва шу орқали уларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашга қаратиб келаётганлиги, шу билан бирга, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Пленумда жойлардаги партия ташкилотлари олдида турган вазифалар таҳлил этилиб, фаоллар ва кадрлар учун ўқув машғулотларини ташкил этиш, ўқиш давомида кадрлар зиммасидаги вазифаларни тушунтириб бериш, кадрлар билан ишлаш услуби, шакли ва усулини тўғри йўлга қўйиш, аъзолик бадалларини тўплаш, ички партиявий ва мафкуравий-ғоявий фаолиятни олиб бориш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ўтган 2010 йил мобайнида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашининг жойлардаги партия ташкилотлари томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатлари ва турли семинар-тренинглар фойдадан холи бўлмаганлиги таъкидланди. «Адолат» СДП аъзолари сафида бўлишни истаётган, келгусидаги фаолиятини партия билан боғламоқчи бўлганлар сони ортиб бораётганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Пленум сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан керакли таклиф тавсиялар ишлаб чиқилиб, вилоят партия Кенгаши олдида турган келгусидаги мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини ва бу борадаги маданиятини юксалтириш, республикамизда барча жабҳаларда ўтказилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти хусусида аҳолини хабардор қилиш муҳим вазифалардан бири саналади. Масъулиятни тўла ҳис қилган Ўзбекистон “Адолат” СДП Балиқчи тумани Кенгаши томонидан бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тумандаги Олимбек қишлоғида ташкил қилинган давра суҳбати ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

# Тараққиёт сари яна бир қадам

**Тадбир**

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Андижон вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати.

Кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги ушбу давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган Концепцияси мазмун-моҳияти мутахассислар томонидан аҳолига содда ва равон тилда тушунтирилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси аҳоли фаравонлигини ошириш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини ошириб боришдан иборат эканлиги таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мазкур Концепция мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди, — деди Халқ депутатлари Балиқчи тумани Кенгаши депутати Т.Аҳмаджонов. — Ушбу Концепцияни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларнинг чуқур ўрганиши режадаги тараққиёт йўлимизнинг жадаллашишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир фуқарони фаолликка, ислоҳотларни амалга оширишда иштирок этишга ундайди.

# «Тўйлар ҳақида ўйлар»

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Кармана тумани Кенгаши томонидан ўтказилган ушбу мавзудаги тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди

**Фаолият**

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Навоий вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати.

Барчамизга аёнки, истиқлол юртимизга ободлик, элга фаровонлик берди. Бугун қай гўшага, маҳалла ё хонадонга кирманг, кўркамлик, тўкин-сочинлик, саришталикка дуч келасиз. Шунингдек, фуқароларга ҳалол меҳнат қилиб, моддий шароитни юксалтиришга улкан имкониятлар яратилди. Буларнинг барчаси, кундалик ҳаётда, тўю тантаналарда акс этиб турибди. Сир эмаски, ушбу неъматлардан ўринсиз фойдаланиб, исрофгарчилик ва дабдабабозликка берилиб, йиллар давомида жамғарган маблағини бир кунда совуриб, ночор аҳволга тушаётганлар ҳам топилади. Ўзбекистон «Адолат» СДП Кармана тумани Кенгаши томонидан «Айрончи» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда ҳам айни шу иллатлар тилга олинди. Партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фуқаролар йиғини фаоллари ва маҳалла аҳли иштирок этган ушбу тадбирда ўтказилаётган оилавий тантаналарни тартибга солиш, ортиқча харажатларни чеклаш ҳақида гапирилди.

— Оилавий сармоя «мен сендан камми» қабилида бир кунда сарфланмасдан, ёшларнинг эртанги бахтли кунларига қаратилмоғи адолатли иш бўлади, — деди «Адолат» СДП Кармана тумани Кенгаши раиси Обиджон Туробов. — Бошланғич ташкилотларимизда, турли меҳнат жамоаларида бу каби долзарб мавзуларда кўплаб тадбирлар ўтказиб турибмиз. Улар мақсад ва ғояларимизнинг ҳаётга чуқур кириб боришида ўз самарасини бераётир.

Партиянинг Навоий вилояти Кенгаши депутати Гулчеҳра Сатторова ўз маърузасида бугунги кун ёшларининг дунёқараши, улар тарбиясида ота-она ва маҳалла-кўй масъулияти, замонавий тўйлар қандай бўлиши кераклигига тўхталди. Маърузада оила қураётган ёшларнинг тиббий кўрик ва никоҳдан ўтиш жараёнларидаги қонуний мезонлар алоҳида таъкидланди. Иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб берди.

# Ташаббускорлик ва жонланиш

## фаолиятда яққол сезилмоқда

**Жараён**

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати.

Анъана тусини олаётган «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаси бу йил Термиз шаҳрида ўтказилади. Шу муносабат билан шаҳарда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Термиз давлат университети, 2-академик лицей ҳамда педагогика коллежи замонавий қиёфа касб этиб, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Яқинда шаҳарнинг 5-даҳасида Алишер Навоий майдони қайта реконструкция қилиниб, ҳашаматли бахт уйи ишга туширилди. Ўзида 12 минг томошабинга мўлжалланган йирик спорт иншоотида охирги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ободончилик ишларида ташкилотлар билан бирга, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Термиз шаҳар ҳамда Термиз туманининг кўп сонли аъзолари ҳам фаол қатнашмоқда.

Жумладан, улар Ат-Термизий қадамжосида ва шаҳарда олиб борилган ободончилик ишларида намуна кўрсатишди.

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос фазилат, — дейди партиянинг Термиз шаҳар Кенгаши раиси Зокир Сафаров. — Шаҳардаги ташландиқ ҳолга келиб қолган, салкам 3 гектардаги жойни обод қилиш ташаббуси билан чиқдик. Майдон атрофлари тупроқлар, чиқиндилардан тозаланиб, анвойи гуллар, кўплаб манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Айтиш жоизки, вилоятда партиянинг Термиз шаҳар Кенгаши нафақат ўз аъзолари сонининг кўплиги жиҳатдан, балки амалий ишлари, ташаббускорлиги билан ҳам кўрсаткичлари жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Унинг қамрови ҳатто маҳалла фаоллари билан ортиб бормоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг сони шу кунларда 32 тани ташкил қилмоқда. Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашида 7 нафар депутат фаолият юритмоқда.



— Биргина 18-Бўстон сайлов округидан депутат Бўри Маматмуротов ўтган йили қатор таклифлар билан Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сўровнома киритди. Уларда Мангузарда маҳалла гузарини қуриш, Ат-Термизий кўчасидаги 33-кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинида идора қуриб бериш, телефон алоқасини йўлга қўйиш, кўп қаватли турар-жой биноларида газ босимини ошириш каби кўплаб ечимини кутаётган масалалар кўтарилди, — дейди Мурод Ашуров. — Шаҳримиз кўчалари тобора обод бўлмоқда. Шу муносабат билан кўча транспортини тартибга келтириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар қилинаяпти. Термиз шаҳар йўловчи ташиш корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, бир қатор таклифлар билан ҳам чиқилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Термиз шаҳар партия Кенгаши фаолиятида ташаббускорлик ва жонланиш яққол сезилмоқда.



# Айнан ёшлик чоғидан

## спорт билан дўст бўлиш — мустаҳкам иродага замин

« Давоми. Боши 1-бетда

Афсуски, баъзан ўзимиз гувоҳ, ҳамма ота-оналар ҳам шундай қилишмайди. Эрталаб югуриш машқини олаётган ўғил-қизини рағбатлантириш ўрнига «ким қўйибди сенга югуришни, бор, мол-ҳолга қара, томорқа қаровсиз қолди, кетмонни ол...» деб жеркиб беришади. Тўғри, болани меҳнатга, касб-ҳунарга ҳам ўргатиш керак. Аммо спортга бўлган жиндак меҳрни парваришласак, унда характер шаклланади, мақсад пайдо бўлади, ўзининг устидан ўзи ғолиб чиқиш журъати туғилади.

Ҳолбуки, сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар спортига бўлган эътибор ва ғамхўрлик жуда кучайиб кетди. Ҳатто боғча ва мактаб ёшиданоқ уларни спортга жалб этиш тадбирлари кўрилаяпти. Биргина ўтган йили болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастури ижроси йўлида 95 та объект ишга туширилиб, уларнинг 61 таси қишлоқ жойларига тўғри келди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида айтилганидек, бу суръат ва бу маром жорий йилда ҳам изчил давом этиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан 149 та объект, чунончи, 130 та болалар спорти объекти, 19 та сузиш ҳавзалари барпо этилиши кўзда тутилган. Уларнинг ҳам 118 таси қишлоқ жойларида вужудга келади, албатта. Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида профессионал футбол клублари ташкил этилиши назарга олинган. «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг финал босқичи бу йил Сурхондарё вилоятида ўтказилиши учун ҳозир у ерда кетаётган қизғин тайёргарлик ишларини айтмайсиз-ми?! Қатор янги болалар спорти мажмуалари, 10 минг томошабинга мўлжалланган (футбол-енгил атлетика майдонига эга) универсал спорт зали, «Кураш» спорт мажмуаси...

Нафсиламбирини айтганда, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳукуматимиз, шахсан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида республикамизда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш чора-тадбирлари ижроси қатъий назоратда турибди. Айниқса, Юртбошимиз йиғилишда фахр билан келтирган мана бу рақамларга эътибор беринг: «**Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 111,1 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 116,8 миллиард сўмни ташкил этди. Хорижий валютадаги тушумлар эса 1,72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Айтиш жоизки, 2008-2011 йилларда маблағлар тушуми 55,9 фоизга кўпайди ва бу, ўз навбатида, ҳомийларнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва жамғарма ишини фаоллаштиришга эътибори ортиб бораётганидан далолат беради»**.

Ана шу эътибор ва ана шу далолатни ҳозирги кунда юртимизда 6-15 ёшдаги 1,6 миллион нафар ўқувчи спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган жараёнларда кўриб турибмиз. Мана шу рақамни ўзиёқ келгусида Ўзбекистонда миллион-миллионлаб нафар ёш спортчилар авлоди етишиб чиқади, дегани эмасми? Зеро, Президентимизнинг машҳур сўзлари билан тавсиф қилсак, «**Буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади!**». Қолаверса, бирор бир мамлакатда ҳам болалар спортини ривожлантирмасдан ўша мамлакат спорти келажагини таъминлаш мушкуллиги ёхуд халқаро майдонда обрў-эътибор қозониши гумонлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди.

Яна бир жиҳат: болаларнинг акалари бўлмиш ўсмир ёшларни оммавий спортга жалб этишда «Кичик Олимпиада» номини олган уч босқичли мусобақалар ҳам бугун кимни ҳаяжонлантирмайди, дейсиз. Унинг доирасида ўтказилаётган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари ҳам болаларни спортга бўлган қизиқишини тобора ошириб, мазкур ўйинлар ёшлар ўртасида бетакрор беллашувлар тусини олгани, олаётгани айни ҳақиқат!

Фараз қилинг, нуфузли-нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юртимиз фарзандлари ғолиб чиқиб, шоҳсупага чиққанларида ва давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, беихтиёр кўксингиз кўтарилиб, бошингиз осмонга етгудек бўлади...Дўппингизни осмонга отиб **«Яша, Ўзбекистон!»** деб ҳайқириб юборишингиз ҳам табиий. Лекин шундай кезларда яна бир мақсадни ўйлайсан киши: мақсадимиз — фақат соврин ва медалларни қўлга киритиш эмас (киритганга-ку не етсин, албатта!), балки фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлигига эришишдир. Кўзда тутган маррамиз шундаки, токи, бирор бола, болакай, қақажон қизларимиз спорт ўйинларидан, спорт билан шуғулланишдан четда қолмасин. Бу фикримизнинг асл мазмунига Президентимиз йиғилишда шундай бир чиройли таъриф бердилар: «**...Спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриётни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини сингдиради. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг асосий маъно-мазмуни ҳам шундан иборатдир**».

# Энг мукаррам зот —

## опа-сингилларимиз эъзози

Эътироф

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Adolat» мухбири.

Аёл ва жамият. Бу икки сўзни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Боиси, тезкор ва шиддатли жараёнлар кечаётган бир пайтда аёл жамиятда том маънода ўз ўрнини топди. Янаям аниқроғи, жамиятнинг энг фаол аъзосига айланиб улгурди.

Аёл қадри ва шаъни, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамиша юксак. Нозик ҳилқат бўлмиш аёлни нафақат она, балки фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган жонкуяр устоз, саранжом-саришта бека, садоқатли ёр тимсолида кўрамиз. Азалдан инжа фазилатларни ўзида мужассам айлаган аёл ҳамиша улуғланган. Ҳаётини фарзандлар келажаги, бахту иқболига бағишлаган, оилани муқаддас билиб, оддий, камтарона яшаган, қадоқ қўллари билан ҳайратга сабаб бўлгулик мўъжизалар яратаётган аёл доим ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлган. Улар борлиги учун ҳаёт мазмунли, миллат бардавом.

Ўзбек аёлини ҳар қанча ардоқласак, шарафласак арзийди. Боиси, ўзбек аёли дунёга донғи кетган не-не буюк алломаю донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Ватанпарварлиги, мардлиги ва жасорати билан тарихда ном қолдирган Тўмарису Бибихонимлар, Нодираю Зебунисолар ҳам бизнинг аждодларимиз. Оила маънавиятини яратган, бола тарбиясига масъулият билан ёндашган, фарзандлари бахти иқболи учун қайғурадиган ўзбек онаси бежизга улуғланмаган. Энг муҳими, жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила ҳаловати унинг қўлида. Эътиборлиси, хонадоннинг бахтли ҳаётини меҳри билан яратади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аёлларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, иқтидор ва имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун барча шароит яратиб берилди. Бинобарин, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан бири сифатида юртимиз аёлларининг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва муҳофазаланганлигидан далолат беради.

Ўтган йиллар мобайнида аёлларни ҳимоялашга қаратилган юзга яқин миллий ва Халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда ана шу саъй-ҳаракатлар самараси барча жабҳаларда намоён бўлмоқда. Чунончи, ҳозирда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти, суд-ҳуқуқ соҳаси, маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятида бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Турли тармоқ ва соҳаларда аёллар улуши ортди. Жумладан, Конституцион суд тизимида 20 фоиз, Олий суд тизимида 14,6 фоиз, хўжалик судлари тизимида 15,8 фоиз, ишлаб чиқариш соҳасида 42,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида 42,8 фоиз, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Республикада мавжуд фермер хўжаликларининг 2 фоизга яқинини аёллар бошқармоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг 25 фоизини аёллар ташкил этади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида 8414 нафар диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича опа-сингилларимиз меҳнат қилмоқда.

2004 йилда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласи янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунига, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норма киритилиб квота жорий этилди.

Олиб борилган ишлар натижасида 2009 йилги сайловларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги 150 нафар депутатнинг 22 фоизини аёллар ташкил этишига эришилди. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 15 фоизи аёллардир. Улар орасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Сенати раисининг ўринбосари, қўмита раиси, бош вазир ўринбосари — Республика хотин-қизлар кенгаши раиси ҳамда вазир ҳам бор. Мамлакатимиздаги маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғиндаги вакиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга ўзининг билими, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизда тобора кенг ўрин эгаллаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, илму фан тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби кўплаб муҳим соҳа ва тармоқларнинг ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аёлга таъриф берганда унинг қўли гул, меҳнатсевар эканлиги алоҳида эътироф этилади. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса, меҳнати қадр топаётган юртда яшаётганлиги фидойи, ташаббускор, жонкуяр аёлларимизнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшади, шубҳасиз. Бу борада ҳам юртимиз аёлларига ҳавас қилса бўлади. Барча соҳада ўз иқтидорини намоён этган аёлларимиз муносиб рағбат топаётганлиги бор гап. Жумладан, 1997 йилдан буён 13 нафар фаол ва ибратли аёлларимизга давлатимизнинг энг нуфузли «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. 64 нафар хотин-қизлар «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлди.

Аёлларимиз илм-фан йўналишида ҳам ўз ўринларига эга. Улар томонидан 300 дан ортиқ докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Илмий иш билан шуғулланаётган хотин-қиз олималар сони бугун 4000 нафарга етди.

Аёлларнинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугун ўз мевасини бермоқда. Агар 2005 йилда 198,4 минг нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, 2010 йил давомида опа-сингилларимиз учун қарийб 460 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Аёлни улуғлаган, авайлаб-асраган юртнинг келажаги буюк. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек, дунёдаги барча мўъжизавий қудрат ва гўзаллик, баркамоллик ҳамда чексиз меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган оналаримизни, дилбар аёлларимизни ардоқлаш, керак бўлса, уларнинг буюклиги олдида таъзим этиш ҳар қандай инсоннинг шарафли бурчидир.



Табрик

# Даромад декларацияларининг қандай турлари бор?

Солиқ

М.МУСАЕВ,
Бектемир тумани
ДСИ ходими.

Даромад декларацияси, бу — солиқ тўловчилар томонидан муайян ҳисобот давридаги моддий кўринишга тенглаштирилган даромадларни давлат бюджети олдида қонунийлаштириш бўйича расмийлаштириладиган махсус даромад ҳисоботи. У — бўнак (аванс) даромад, якуний даромад ва йиллик даромад декларациялари каби турлардан иборат. Масалан, бўнак даромад декларациялари қуйидаги тоифадаги жисмоний шахслар томонидан расмийлаштирилади:

Жисмоний шахс ўз мулки бўлган — ижарага берилган мол-мулклари, уй-жойлари, автоуловлар, техник қурилма ва ускуналар ҳамда бошқа турдаги моддий ва номоддий мулклар бўйича олган, олаётган ва олиши кутилаётган даромадлари бўйича расмийлаштирилади.

Якуний даромад декларацияларини ижара бўйича бўнак даромад декларацияларини ҳисобот йилида расмийлаштирган жисмоний шахслар йил тугагандан сўнг кейинги йилнинг 15 январигача ўтган йилдаги ижара бўйича расмийлаштирилган бўнак (аванс) даромад декларациялари жамламаси юзасидан якуний даромад декларацияларини расмийлаштиришлари керак.

Жами йиллик даромад декларацияларини ҳисобот йилида қўшимча даромад (меҳнат дафтарчаси юритилмаган ҳолда фуқаролик меҳнат шартномалари орқали олинган даромад)га эга бўлганлар билан бир қаторда якуний даромад декларацияларини расмийлаштирган жисмоний шахслар кейинги йилнинг 1 апрелигача бошқа даромадлари юзасидан расмий маълумотларни тақдим этиб, йиллик даромад декларацияларини расмийлаштирадилар.

Кармана туманидаги

**«BAXTIYOR BUNYODKOR»**

**ишлаб чиқариш савдо фирмаси аъзолари**

юртимиз аҳли ва меҳмонларини меҳр-оқибат, мурувват ҳамда саҳоват рамзи — НАВРЎЗ айёми билан самимий муборакбод этади!

***Эзгулик сари етакловчи Наврўз шодиёнаси шукуҳи йил бўйи қалбимизни тарк этмасин.***



**«АНГРЕН МАТЛУБОТ САВДО ИНВЕСТ» МЧЖ**

***жамоаси***

***баҳор айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди. Ушбу қувончли кунларда Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, баркамоллик ва эзгу ишларингизда ривож тилаймиз!***

***Навбаҳор туманидаги***

**«ЗАРИФБЕК ИЛҲОМ» ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

**муҳтарам ватандошларимизни тинчлик ва осойишталик, туғилиш, яшариш тимсоли — Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайди. Барча ҳамюртларга баҳорий кайфият, узоқ умр, Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларига муваффақиятлар тилайди.**

***Наврўзи олам ташрифидан қалблар қувончга тўлаверсин.***



*Кармана туманидаги*

«Мирзамўмин чашмаси» фирмаси жамоаси

*бутун халқимизни яқинлашиб келаётган янгиланиш, бунёдкорлик, меҳр-оқибат байрами — Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Барча-барчага бахт-саодат, хурсандчилик, дастурхонларига тўкин-сочинлик тилайди!*

Тинчлик, фаровонлик ҳамиша ёр бўлсин!



## Навоий вилоятидаги «Акмал Бахтиёр» хусусий корхонаси жамоаси

*муҳтарам ватандошларимизни олижаноб, гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиз бўлган Наврўз айёми билан чин дилдан табриклайди.*

*Наврўзи олам завқи қалбларимизни янги орзу-ниятлар, мақсадларга тўлдириб, хуш кайфият бағишлаб юраверсин. Хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад тилаймиз!*



**Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин!**

## Навоий шаҳридаги «ДИАМОНД TEADC» хусусий корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни кириб келаётган НАВРЎЗИ ОЛАМ — яшариш, янгиланиш айёми билан самимий қутлайди!

***Азиз юртдошлар! Шундай қутлуғ айём арафасида Сиз азизларни муборакбод этишдан ғоятда бахтиёрмиз.***



## «Сурхондарёчорваозуқалари» бош бирлашмаси жамоаси

***халқимизни янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади!***

**Байрам барчангизга қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!**






### АЁЛ ДЕПУТАТЛАР СОНИ ҲАМОН КАМ



Дунёда гендер тенгликка, айниқса, аёлларнинг сиёсатдаги иштирокини кенгайтириш мақсадларига эришишни таъминлашга муваффақ бўлинмаяпти. Таъкидлаш керакки, аёллар ҳамон жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қонунчилик ва ижро ҳокимиятларидан ўрин олмай келмоқда. Бугунги кунда уларга дунё парламентларидаги ўринларнинг 19 фоизи тегишли холос. БМТнинг Женевадаги қароргоҳида Парламентлараро уюшма томонидан тарқатилган маърузада ана шундай хулосалар эълон қилинган.

Маъруза муаллифлари фақат 43 та мамлакат парламентларигина аёлларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги 30 фоизлик квотасини таъминлашга муваффақ бўлганига эътиборни қаратади. Қувонарлиси, ушбу рўйхатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига аёл номзодлар кўрсатишда 30 фоизлик квотани қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйган Ўзбекистон номи ҳам бор. 62 та мамлакатда эса депутат аёлларнинг салмоғи 10 фоиздан камроқни ташкил этади. Дунёнинг 10 та мамлакати парламентида аёллар умуман йўқ. Бугунги кунда давлат раҳбарлари орасида 9 нафар, ҳукумат раҳбарлари орасида 13 нафар аёллар мавжуд экан.

### БМТ: 2010 ЙИЛ АФҒОНИСТОН УЧУН ЭНГ ҚОНЛИ ЙИЛ



БМТ ҳисоботига кўра, икки йилдан буён Афғонистондаги урушда ҳалок бўлган оддий фуқаролар сони ўсишда давом этмоқда. Айниқса, аёллар ва болалар ўлимининг кескин ортгани ачинарлидир.

Ҳисоботда айтилишича, 2010 йил Афғонистонда Толибон ағдарилганидан буён давом этаётган ички урушларнинг энг қонлисига айланди. Биргина ўтган йили 2700 нафардан ортиқ инсоннинг ҳалок бўлиши (бу 2009 йилга нисбатан 15% кўпроқдир) бунинг исботидир. БМТ вакиллари фикрича, талафотларнинг ошишига асосан Толибон ва бошқа террорчи гуруҳлар айбдор. Қурбонларнинг деярли 75% Толибон қўлидан ўлим топган. Афғонистон ҳукумати ва НАТО кучларининг хатоси туфайли ҳалок бўлганлар сони кескин қисқарганига қарамай, 16% лик маррани забт этган.

Ўтган йил буюртма қотилликлар сони ҳам икки бараварга кўпайиб, 462 тани ташкил этган. Асосан ҳукумат ходимлари, сиёсатчилар ва қабила оқсоқоллари террорчилар нишонига айланмоқда.

### МАРС МИССИЯСИ ХАВФ ОСТИДА



АҚШ ва Европа мамлакатларининг Марсни тадқиқ қилиш бўйича қўшма лойиҳаси қайта кўриб чиқилади. Америка томони лойиҳани амалга ошириш учун маблағ етишмаслигини баён қилганидан сўнг бунга зарурат туғилган.

Аввалроқ АҚШнинг аэрокосмик агентлиги (НАСА) ва ЕКА (Европа космик агентлиги) Қизил сайёрага биргаликда иккита аппарат жўнатишга қарор қилганди.

Бироқ яқинда АҚШнинг тадқиқотлар бўйича Миллий кенгаши эълон қилган маърузада айтилишича, Америка томони бюджет лойиҳаси учун жуда катта маблағ (3,5 миллиад доллар) сарфлаган, шу боис мазкур суммани 1 миллиардга камайтириш мақсадга мувофиқ.

Фақат тавсия хусусиятига эга бўлган мазкур ҳужжат Қўшма Штатларнинг лойиҳадаги иштирокини камайтириш ва ҳатто уни амалга оширишдан бош тортишни таклиф этади.

### ИЛЛИНОЙСДА ЎЛИМ ҲУКМИ БЕКОР БЎЛДИ

Иллинойсда ўлим жазоси бекор қилинди, деб хабар беради, Associated Press. Бу борадаги қонунни штат губернатори Пэт Куинн (Pat Quinn) тантанали маросимда эълон қилди. Губернатор даставвал 15 нафар оғир жазога тортилиши керак бўлган маҳбус



ҳукмини умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилиши хусусидаги фармойишга имзо чекди.

Хабарларга кўра, ўлим жазосини бекор қилиш учун 2011 йилнинг январида Иллинойс сенати овоз берган бўлса, ундан олдинроқ ислоҳотлар режасини штат қонунчилик органининг қуйи палатаси тасдиқлаганди. Шундай қилиб Иллинойс ўлим жазосини бекор қилган АҚШнинг ўн олтинчи штатига айланди. Ўлим ҳукми Колумбия федерал округида ҳам чиқарилмайди. Бироқ қолган 35 та штатда оғир жазо тайинлаш ҳукми таъқиқланмаган.

### СИГАРЕТАЛАРНИ ПЕШТАХТАГА ТАХЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Буюк Британия соғлиқни сақлаш департаменти чекишга қарши кураш режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, сотувчиларнинг тамаки маҳсулотларини савдо пештахталарига чиқариши ман этилади. Янги қоидага биноан, сигареталар билан фақат пешхтахта остидан савдо қилиш мумкин. Бу каби тузатишлар йирик дўкон ва супермаркетларда 2012 йилнинг апрелидан, қолган савдо шохобчаларида 2015 йилдан кучга киради. Департамент шунингдек, жорий йилнинг охирига қадар сигарета пачкаларига логотиплар босиш масаласини ҳам чуқур ўрганиб чиқмоқчи.

Мана шундай чоралар ёрдамида Буюк Британия расмийлари яқин беш йил мобайнида чекувчилар сонини 18,5 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқда. Ҳозирда катта ёшлилар орасидаги чекувчилар сони 21,2 фоизни ташкил этмоқда. Қироллик соғлиқни сақлаш департаменти маълумотига қараганда, чекиш ортидан келиб чиқадиган касалликлардан ҳар йили 80 минг британиялик ҳаётдан кўз юмади.

### ГСДП СОЦИАЛИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛДАН ЧИҚМОҚЧИМИ?

Германия социал-демократик партияси (ГСДП) дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатидаги социалистик ва социал-демократик партияларни бирлаштирган халқаро ноҳукумат ташкилот — Социалистик интернационалдан чиқиш борасида пўписа қилди. Партия раиси Зигмар Габриэлнинг айтишича, Социалистик интернационал жаҳонда озодлик овози бўлишдан тўхтади ва шу боис ташкилотда кескин ислоҳотлар ўтказиш керак. Бунинг учун, сиёсатчи таъбири билан айтганда, Социалистик интернационал озодлик ва эркинлик ғояларига алоқадор бўлмаган партиялардан халос бўлиши керак.

**Интернет хабарлари асосида Н.МАЙЛИЕВ тайёрлади.**

# Тараққиётни тезлаштирувчи «қурол»

**Шарҳ**

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.**

Бугунга келиб янги инновацион технологияларга катта эътибор қаратилаётгани, нефть ва газга муқобил, арзон ва камхарж энергия манбалари ҳамда уларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологияларга юқори эътибор туфайли экспертлар айни соҳага дунёни молиявий ва иқтисодий чигалликлардан олиб чиқа оладиган «халоскор қурол» дея қарай бошладилар. У нафақат инқирозни тўхтатувчи, балки давлатларнинг тараққиётини тезлаштиришга хизмат қилувчи восита ҳам эканлиги бутун ер юзида эътироф этилди. Жонажон Ўзбекистонимизда ҳам илғор инновацион ғояларни рўёбга чиқариш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас, албатта.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қиладиган ва қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари «Адолат» СДП диққат марказида. Табиийки, энергиянинг барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш имконини беради. Шу боис соҳадаги дунё тажрибаси билан танишиш фойдадан холи эмас.

Эътироф этиш керак: тежамкор, самарали ва чиқиндисиз муқобил энергияни берадиган технологияларни кенг жорий этиш мавзуси аксарият халқаро учрашувларнинг ҳам асосий масаласига айланди. Бугун кўплаб давлатлар табиат неъматларидан шафқатсизларча фойдаланиш боши берк кўча эканини, шунинг учун ҳам муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ҳаёт талаби бўлиб қолганини тушуниб етдилар, ҳисоби. Бутун бошли тизимлар, халқ хўжалиги мажмуаларини ана шундай технологиялар асосида ишлашга ўтказиш фойдадан холи эмаслиги ҳам тез-тез тилга олинаяпти. Энг муҳими, бундай жараёнлар айрим соҳаларда аллақачон ишга тушиб бўлди. Масалан, 2010 йил охирига бориб йирик автоконцернлар электрда юрадиган автомобиллар (бюджет нархи 10-15 минг АҚШ доллари) ишлаб чиқаришни режалаштирган бўлсалар, Австралия ҳукумати дунёдаги энг йирик, қуввати 1000 мегаваттга тенг қуёш электростанциясини барпо қилиш режасини ошкор қилди. Шубҳасиз, бундай қувватда ишлайдиган станция ҳали дунёда йўқ. Севильяда қурилаётган энергетик мажмуа ҳам ҳозирча 20 мегаватт энергия етказиб беради. Бу камида 10 мингта хонадонни электр билан таъминлаш имконига эга, деганидир.

Энергиянинг ноанъанавий манбалари аҳамиятининг ошиб бораётганини «яшил энергия» (қуёш, биогаз, шамол энергияси кабилар)га ажратилаётган



сармоялар миқдоридан ҳам кўриш мумкин. Биргина Евроҳудудга кирувчи давлатлар муқобил энерготехнологияларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни йилига 8 миллиард еврога кўпайтиришни режалаштирмоқдалар. АҚШда эса 2008 йилда янги кучланишда ишга туширилган энергетиканинг деярли 40 фозини шамол станциялари ташкил этганини таъкидлаш мумкин. Испания келаси йилдан янги энергия манбалари улушини мамлакат умумий энергобалансининг 30 фоизигача етказмоқчи.

Соҳа вакиллари ҳозирданоқ экологик жиҳатдан тоза энергетика соҳасида етакчилик қиладиган мамлакат иқтисодиёт соҳасида ҳам карвонбоши бўлишини таъкидлай бошладилар. Ўз чиқишларининг бирида АҚШ президенти Барак Обама ҳам бу фикрни тасдиқлади.

— Бизнинг бутун дунёдаги рақобатчиларимиз янги энергетик технологияларни яратиш бобида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган натижаларга эришмоқдалар. Бундай заводлар Германия ва Хитойда кўплаб қурилмоқда. Ҳеч ким иккинчи ўринга тушиб қолишни истамаяпти. Бу мамлакатлар экологик тоза энергетикада ким илгарилаб кетса, ўша глобал иқтисодиётда етакчилик қилишини яхши тушуниб турибди. Агар биз бу ҳақиқатни тан олмасак, ортга кетиш хавфи остида қоламиз. 15 йил муқаддам қуёш батареялари ишлаб чиқаришнинг 40 фоизи Қўшма Штатлар ҳиссасига тўғри келганди. 2008 йилга келиб эса бу улуш 5 фоизга тушиб кетди. Сизларни билмадим-у, аммо мен глобал иқтисодиётда бўлгани каби мазкур тармоқда ҳам Америка етакчиликни қўлдан бой беришини истамайман, — дейди Барак Обама.

Эътироф этилганидек, амалда Европа муқобил энергетикани яратиш соҳасида карвонбошилик қилаётир. Қитъадаги умумий иқтисодий тушкунликка қарамай, бу борадаги улуш 2008 йили 16,3 фоиз (2006 йили 14,6 фоиз)ни ташкил қилди.

Тан олиш керак: Европага етиб олиш ва ўзиб кетиш океанорти мамлакати учун осон кечмайди. Чунки Қўшма Штатлар олдида эскириб қолган энергетик инфратузилмани янгилашдек улкан муаммо мавжуд. Ҳозирги энерготизим 100 йил аввалги технология асосида ишлаётгани боис Обаманинг айтишича, уни модернизациялаш 3,4 миллиард долларга тушади.

Кейинги пайтларда Россияда ҳам соҳага улкан эътибор қаратилмоқда. Россиянинг ПАТЭС деб номланган энергетик технологияси — сузиб юрувчи атом станциялари бу йўлдаги изланишлар самарасидир.

> …станциядан нафақат электр ва иссиқлик энергияси олиш, ҳатто денгиз сувини чучуклаштиришда ҳам фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлди. Станцияга ўрнатилган мослама кунига 40 мингдан то 240 минг куб метргача бўлган шўр сувни тозалаш имкониятига эгалиги айтилмоқда. Нафақат энергия, балки чучук сувга ҳам талаб ошиб бораётган бир пайтда денгиз сувини маълум миқдорда истеъмолга яроқли қилиб бера олиш имконияти туфайли келажакда хорижий буюртмачилар томонидан сузиб юрувчи АЭСларга талаб ошиши мумкин.

Мазкур станциядан нафақат электр ва иссиқлик энергияси олиш, ҳатто денгиз сувини чучуклаштиришда ҳам фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлди. Станцияга ўрнатилган мослама кунига 40 мингдан то 240 минг куб метргача бўлган шўр сувни тозалаш имкониятига эгалиги айтилмоқда. Нафақат энергия, балки чучук сувга ҳам талаб ошиб бораётган бир пайтда денгиз сувини маълум миқдорда истеъмолга яроқли қилиб бера олиш имконияти туфайли келажакда хорижий буюртмачилар томонидан сузиб юрувчи АЭСларга талаб ошиши мумкин. Негаки, 1995 йилда денгиз сувини чучуклаштириш ҳажми йилига 3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, 2015 йилга бориб бу 12 миллиард АҚШ долларига етиши мумкин. БМТ маълумотларида айтилишича, 2025 йилда тоза сув тақчиллиги йилига 1,3-2,0 триллион $м^3$ га кўпаяди. Шўрсизлантирилган сувнинг асосий истеъмолчилари Яқин Шарқ (умумий ҳажмнинг 70 фоизи), Европа (9,9 фоиз), АҚШ (7,4 фоиз, асосан Калифорния ва Флорида), Африка (6,3 фоиз) ва Осиё (5,8 фоиз)да жойлашганини инобатга олсак, сузиб юрувчи станцияларга бўлган талабнинг ортишига амин бўламиз. Қолаверса, россияликлар ихтироси 200 минг кишилик шаҳарни электр энергияси билан таъминлашга ҳам қодир. Бироқ Россиянинг муқобил энергия технологияларини жорий этиш борасидаги ўрни дунёнинг ривожланган давлатлари билан солиштирилганда бирмунча паст бўлиб қолаётир.

Яқин икки-уч йил ичида муқобил энергия ишлаб чиқариш бозорида шафқатсиз кураш бошланишини соҳага ҳатто алоқадор бўлмаган компанияларнинг ҳам тармоққа жиддий қизиқиш билдираётганлари ҳам исботлаб турибди. Хусусан, ўзининг ҳар томонлама ўйланган ва узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган интернет хизмати кўрсатувчи Google компанияси ҳам ана шу бозорга чиқишга қарор қилди. Интернет гигантнинг илғор ғояларидан унинг рақиби Yahoo ҳам қолишмоқчи эмас. Шу пайтгача энергиянинг муқобил манбаларини ривожлантириш жараёнларини тўхтатиб турган омиллардан бири эса унинг иқтисодий жиҳатдан ўзини қанчалар оқлаши билан боғлиқ саволларга жавоб топилмаганлигида эди. Бироқ энди зарарли ис газларини ҳаво бўшлиғига чиқаришни чеклаш борасидаги янги шартнома кучга кирса, у ҳолда муқобил энергия технологияларига бўлган талаб янада ортади. «Ноанъанавий» электр энергиясига ўтиш дунё мамлакатларини энг асосий стратегик ашё нефть ва газ қарамлигидан халос этишга хизмат қилиши таъкидланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун оммавий ахборот воситалари ва Ғарб дунёсининг «тарғибот-ташвиқот машиналари» ҳам аҳолини энергиядан самарали фойдаланиш зарурлиги ва тежамкор технологияларнинг афзалликлари борасида ишонтиришга зўр бера бошлади. Бундай йўл эса банк кредитларига бўлган талабни оширишга ҳам хизмат қилиши, табиий. Натижада фан-техника тараққиётининг навбатдаги ютуқларига асосланган янги иқтисодий давр бошланади.

Мутахассислар фикрича, шубҳасиз, янги энергетик парадигма оёққа туриб олиши билан молиявий тизимнинг ҳам соғломлашиши бошланади.

# Кечиккан афсус

**Агар огоҳсен...**

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
журналист.

Азалдан бошқа мусулмонлар диёрларидаги каби юртимизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар ва уларнинг масжид, черков ҳамда синагоглари ёнма-ён аҳилликда фаолият кўрсатиб келган. Бугун ҳам турли миллат ва динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир дамларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан шоҳидлик беради.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ер юзида ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ва фаровон яшаши йўлида турли дин, миллат ва элат вакиллари, маданиятлар ва цивилизациялар ўзаро мулоқотга киришаётган ҳозирги даврда дин ва диний конфессиялар алоқаларини тўғри йўлга қўйиш жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим шарти бўлиб келмоқда.

Бироқ дунёда бўлганидек, мамлакатимиз ҳудудида ҳам легал ва нолегал диний фаолият юритаётган пролетизм, яъни, бир конфессиядаги диндорларни бошқасига ўтказишга қаратилган фаолият, шунингдек, бошқа миссионерлик ҳаракатларининг вужудга келиши ва ривожланиши хавфи сақланиб қолмоқда.

Расмий рўйхатдан ўтмаган, аксари ҳолларда хонадон ёки шахсий йиғинлар жойида ўтадиган қўштирноқ орасидаги диний йўналишлар талайгина. Улар ижтимоий ҳимоя, маслаҳатга муҳтож қатламларни ҳам, ўзига тўқ, келажагидан умиди катта одамларни ҳам жалб қилишнинг турли йўлларини пухталик билан ишга солиб, ўз сафлари, ғоядошларини кўпайтириб боришаяпти.

Кузатувчилар фикрича, бугун дунёда 5 мингдан зиёд дин ва мазҳаблар мавжуд бўлиб, уларга мансуб ғояларнинг ҳаммаси ҳам ижтимоий ҳаёт мезонларига тўғри келавермайди. Билъакс, улар орасида геополитик мақсадларга қаратилган сиёсатни ифодаловчи турли шаклдаги қарашлар, тор ғоялар мавжудки, бу беихтиёр кишини ҳушёр бўлишга ундайди.

Сир эмас, дунёнинг айрим тор доирадаги гуруҳлари қўлида жуда катта миқдордаги бойлик тўпланиб бормоқда. Афсуски, бу бойликлар инсоният камолотидан кўра олам аҳлининг эзгу мақсадларига ёт ғоялар тарғиботига сарф бўлаётгани ачинарлидир. Биргина маркази Нью-Йоркда жойлашган «Иегова шоҳидлари» диний ташкилоти раҳнамолари ўзларининг сохта таълимотларини тарғиб этиш учун ҳар йили юз миллиардлаб доллар сарф этишмоқда. «Исо Худонинг ўғли эмас, балки унинг ўзи Худо» эканлиги ҳақидаги сохта ғояларни тарғиб этувчи ақидапарастлар ҳозиргача 230 дан ортиқ давлатда ўзларининг яширин фаолиятини йўлга қўйганлар. Манбаларда қайд этилишича, улар асосан аҳоли кенг қатламлари, хусусан, мактаб, коллеж, олий ўқув юртларидаги ёшларнинг онгини заҳарлашга, оддий одамлар қалбини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этишга интилишади. Шу йўл орқали ҳокимият учун курашадилар. Масаланинг энг хавфли жиҳати — ташкилотнинг янги аъзоси дастлабки ҳафтанинг ўзидаёқ камида 8-10 нафар «адашган»ни топиши ва ўз сафига қўшиш вазифасини зиммасига олади. Кун сайин масъулияти ошириб борилган «итоатгўй кимса» пировардида бир кеча-кундуз давомида 10-15 соатлаб ташвиқот юргизиш имконига эга бўлиши лозим. Шу боис ҳам мазкур ташкилот дунё бўйича миллионлаб адашганларни ўзига жипслаштиришга муваффақ бўлган.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди очиқ суд мажлисида «Иегова шоҳидлари»нинг фаолияти тақиқланган КПЦ (Корейская протестантская церковь) «Благая Весть» диний оқими бўйича таълим олган бир гуруҳ фуқаролар — Наталья Югай, Людмила Семёнова, Дора Ким ҳамда Любовь Ким йўл қўйган ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқди.

Қизиғи шундаки, судланувчиларнинг энг ёши, 56 ёшни қаршилаган Любовь Ким ўз уйида 60-70 ни қоралаган онахонлари билан ақидапарастликка оид таълимни ўрганишни йўлга қўйган.

Тўғри, улар суд жараёнида ўз қилмишларидан пушаймонликларини, йўл қўйилган хатоларини бошқа такрорламасликларини қайта-қайта таъкидлашди. Ўз навбатида, суд ҳам айбланувчиларнинг пушаймонлиги, муқаддам судланмаганликларини инобатга олиб, қонуний енгиллик берди. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати кишини саволлар гирдобида қолдиради: 71 ёшга кирган Наталья Югай учун бу маслакка киришнинг, бошқаларни йўлдан уришнинг нима зарурати бор эди? 69 ёшли Дора Ким ёки 64 ёшли Людмила Семёновага-чи?

Кўриниб турибдики, ақидапарастлар кишининг ёшига, миллатига, ижтимоий келиб чиқишига қарамайди. Улар учун зарур бўшлиқ бўлса бас, зеро мустақил фикрга, собит эътиқодга, мустаҳкам ирода ва дунёқарашга эга бўлмаган кишиларни ўз домига осонликча тортади. Айниқса, ғўр, аммо кўнгли очиқ, соддадил, ишонувчан, андишали, қалбида катталарга ҳурмат, диний қадриятларга интилиш туйғуси кучли фарзандларимизнинг бу фазилатларидан фойдаланишга уринади.

Шундай экан, бундай бузғунчи ғояларга қарши курашга тайёр туриш, яъни, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади. Зеро, «Агар огоҳсен сен, шоҳ сен...» Мавзуга қўл уришдан мурод ҳам бу азалий ҳикматли даъват асосида замондошларимизни огоҳликка чорлаш эди.

